

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВ АЗАМАТ ЭРГАШЕВИЧ**

**ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy  
(PhD)**

**Эргашев Азамат Эргашевич**

Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва  
туғатишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.....3

**Эргашев Азамат Эргашевич**

Совершенствование правового регулирования реорганизации и  
ликвидации юридических лиц в международном частном праве.....27

**Ergashev Azamat Ergashevich**

Development of legal regulation of reorganization and liquidation  
of legal entities in private international law.....51

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВ АЗАМАТ ЭРГАШЕВИЧ**

**ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ү116 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Саид Саидахрорович Гулямов,  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Самарходжаев Батир Билялович,  
юридик фанлар доктори, профессор

Юлдашев Жаҳонгир Иномович,  
юридик фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги ҳузуридаги Юристлар  
малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Ү1.22.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 24 декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1088-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «07» декабрда тарқатилди.

(2022 йил «07» декабрдаги 16-рақамли реестр баённомаси).



**И.Р.Рустамбеков**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

**Д.Хабибуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, юридик фанлар  
номзоди, профессор

**Н.Имомов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар  
раиси ўринбосари, юридик фанлар  
доктори, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда юридик шахслар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили сифатида баҳоланади. Ҳозирги кунда ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ўсиши ва барқарорлигини, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, жаҳон бозорларига чиқиш имкониятини хорижий инвестицияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Doing Business маълумотларига кўра, тўловга қобилиятсизликни тартибга солиш учун қайта ташкил этиш жараёнини татбиқ этиш ёки мустаҳкамлаш мақсадида дунёнинг 40 дан ортиқ давлатида ислохотлар амалга оширилган ва бу энг кам ислоҳ қилинган соҳа ҳисобланади. Юридик шахсларни қайта ташкил этиш тартиботи амал қилмайдиган мамлакатларда ялпи миллий маҳсулот ўртача 1 фоизга камайган бўлса, ушбу тартибот амал қилувчи мамлакатларда ушбу кўрсаткич 3 фоизга ўсган<sup>1</sup>.

2022 йил февраль ойидан бошлаб давом этаётган Россия ва Украина воқеаларидан сўнг киритилган глобал молиявий ҳамда иқтисодий санкциялар кўплаб юридик шахслар иш фаолиятини бошқа давлатларга ўзгартиришга ёки қўшилиш орқали қайта ташкил қилиш шаклида фаолият кўрсатишга туртки берди. Молиявий санкциялар натижасида компаниялар ўз мулкани ёки бошқарув тузилмасини ўзгартиришга, йирик бизнесменлар ўз активларидаги асосий улушларини қолдириб, назорат пакетларини АҚШ ёки Европа давлатларининг “қора рўйхат”га киритилмаган юридик шахсларга ўтказмоқда. Буларнинг барчаси халқаро хусусий ҳуқуқда трансчегаравий юридик шахсларни қайта ташкил қилиш ёки тугатиш институтининг янги босқичини бошлаб берди.

Жаҳонда халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солиш йўналишлари бўйича тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш, кредиторлардан ҳимоя қилиш усули сифатида криптохолдинглардан фойдаланиш, судларнинг анъанавий юрисдикция доираларига зид бўлган рақамли активлар бўйича мажбурий қарорлар чиқариш амалиётини шакллантириш, in rem юрисдикцияни қўллаш масалалари, халқаро стандартларга миллий қонунчиликни мослаштириш каби масалалар муҳим илмий тадқиқот йўналишлари сифатида ўрганилмоқда.

Республикамизда юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш, тадбиркорлик фаолияти эркинликларини кафолатлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётган вақтда халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. “Ҳуқуқ тизимининг рақобатбардошлигини ошириш ва

---

<sup>1</sup> <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32436/9781464814402.pdf>, 53, 55-6.

иқтисодийнинг янги драйверларини ҳаракатга келтириш доирасида замонавий технологияларга ва рақамли фаолиятга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш, иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш<sup>2</sup> иқтисодий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги (2001), «Хусусий корхона тўғрисида»ги (2003), «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (2004), «Рақобат тўғрисида»ги (2012), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2014), «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–2646-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сонли Фармони ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда тадқиқ этилаётган муаммо алоҳида комплекс равишда ҳали ўрганилмаган. Халқаро хусусий ҳуқуқ ёки фуқаролик ҳуқуқи доирасида мазкур масалаларнинг айрим жиҳатларига бағишланган баъзи ишланмаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Хусусан, миллий цивилистика фани доирасида қуйидаги ҳуқуқшунос олимларнинг асарларини эътироф этиш лозим: Х.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, С.С.Гулямов, Н.Ф.Имомов, Б.Б.Самарходжаев, З.С. Убайдуллаев, В.Н.Хошимов, И.Ю.Кан, К.Қ.Рашидов, Ш.Н.Рўзиназаров, С.С.Сафаров, Б.Н.Тошев, Т.А.Умаров, В.Э.Умаралиев, С.С.Ҳамроевлар<sup>3</sup> ҳам мазкур муаммонинг айрим жиҳатларини қисман ўрганган.

2002 йилда муаллифлар жамоаси томонидан чоп этилган “Халқаро

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

<sup>3</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

хусусий ҳуқуқ” дарслигида юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати, халқаро ҳўжалик муносабатларида иштироки масалалари баён қилинган.

Х.Раҳмонқулов ва С.Гулямовлар томонидан 2006 йилда чоп этилган “Корпоратив ҳуқуқ” дарслигида корпоратив ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти билан бир қаторда корпорацияларни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ўрганилган.

Н.Ф.Имомовнинг 2017 йилда чоп этилган “Юридик шахс моҳиятининг фуқаролик-ҳуқуқий талқини (назарий масалалар)” номли монографиясида юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш хусусиятлари ўрганилган.

Ш.Нуриддинова 2008 йилда “Юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари ва уларни қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари”, Ф.Кутлымуратов 2009 йилда “Юридик шахсларни мажбурий тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари” мавзусида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Шунингдек, тадқиқот мавзуси доирасида МДҲ мамлакатлари цивилистлари М.М. Агарков, Л.П. Ануфриева, М.М. Богуславский, Е.А. Васильев, Е.А. Колинченко, Т.А. Лунц, А.И. Муранов, В.Ф. Попандопуло, А.Г. Светланов, В.В. Степанов, М.В. Телюкина каби МДҲ давлатлари олимлари шуғулланган<sup>4</sup>.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Европа Иттифоқидаги мамлакатларда маълум даражада халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий базаси яратилган. Мазкур давлатларнинг олимлари ҳам ўз асарларида ушбу масала билан боғлиқ муносабатлардаги муаммоларни у ёки бу жиҳатига қисқача тўхталган бўлиб, комплекс тарзда ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмаган. Улардан қуйидаги ҳуқуқшунос олимларни келтиришимиз мумкин: P.R.Wood, J.L.Westbrook, I.F.Fletcher, B.Manfred, L.M.LoPucki, A.T.Guzman, F.Tung, R.K.Rasmussen, B.Wessels ва бошқалар<sup>5</sup>.

Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масаласи ҳалигача чуқур илмий таҳлил қилинмаганлиги сабабли уларни ўрганиш, таҳлил қилиш, қонунлар ва илмий адабиётларда мунтазам равишда ёритиб бориш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни янада такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

<sup>4</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

<sup>5</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган

ҳалқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларнинг миллатини аниқлашга доир асосий доктриналарга тавсиф бериш;

юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишга оид муносабатларда чет эл элементи билан мураккаблашишининг ўрнини аниқлаш;

ҳалқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солишга доир асосий ёндашувларни таҳлил қилиш;

хорижий мамлакатларда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини ўрганиш;

ҳалқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш;

Ўзбекистонда чет эл юридик шахсларини қайта ташкил этишни коллизион-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш;

ҳалқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни тугатишнинг ҳуқуқий тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

Ўзбекистонда чет эл юридик шахсларини тугатишнинг коллизион-ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиш;

ҳалқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни тугатишни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасини унификациялаш масалаларини ўрганиш;

трансмиллий корпорациялар банкротлигининг ҳуқуқий тартибга солинишига оид қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳалқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасини унификациялаш масалаларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ҳалқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳалқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тизимли ва функционал таҳлил, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик, индуктив ва дедуктив таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фаолият руҳсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фақатгина суднинг қарорига кўра юридик шахс тугатилиши мумкинлиги асосланган;

тўловга қобилиятсизликни яшириш – юридик ва жисмоний шахс, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ҳақиқатга тўғри келмайдиган

маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилганлиги, бухгалтерлик ҳисоботлари бузиб кўрсатилганлиги ёки ўзининг тўловга қобилиятсизлиги бошқача тарзда қасддан яширилганлиги натижасида кредиторларга зарар етказиш эканлиги асослаб берилган;

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектини ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон кредиторларни хабардор қилиш зарурлиги сабабли рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши шартлиги асосланган;

юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги эълонда унинг кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари кўрсатилиши кераклиги ҳамда ушбу муддат тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги кераклиги асослаб берилган;

қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган тадбиркорлик субъектларини – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш уларга қулайлик яратиш мақсадида қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари юридик шахслар жойлашган жойдаги рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан амалга оширилиши зарурлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юридик шахсни тугатиш молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда ҳаракатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида фаолият тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра, бундан нодавлат нотижорат ташкилотлари мустаснолиги асослантириб берилган.

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектини ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига белгиланган.

юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги эълонда унинг кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари кўрсатилади. Бу муддат тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги кераклиги асослаб берилган.

юридик шахс ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилганда – қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъекти – юридик шахсга нисбатан унинг таъсис ҳужжатлари билан боғлиқ бўлган қайта рўйхатдан ўтказиш, ажратиб чиқарилаётган тадбиркорлик субъекти – юридик шахсга нисбатан эса – янгидан тузилган тадбиркорлик субъектини – юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилиши исботланган.

қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган тадбиркорлик субъектларини – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар жойлашган жойдаги рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан амалга оширилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар «Халқаро хусусий ҳуқук», «Халқаро тижорат арбитражи», «Корпоратив ҳуқук» фанларида мавжуд бўлган назарий

қарашларни ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқотнинг хулоса, таклиф ва тавсиялари апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинди. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётда жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ҳамда тавсиялардан келгусида илмий-назарий ва илмий-амалий тадқиқотлар фаолиятида, қонун ижодкорлигида, соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва шарҳлашда, корпоратив ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил қилиш ва тугатиш асосларини янада ривожлантиришга доир илмий-назарий, методологик қарашлар ва ёндашувларни янада бойитишда шунингдек, «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Халқаро тижорат арбитражи», «Корпоратив ҳуқуқ» фанларини илмий-назарий, амалий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида ифодаланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унда халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил қилиш ва тугатишни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қатор амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суднинг қарорига кўра юридик шахс тугатилиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 декабрда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–592-сон Қонунига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 53-моддасининг иккинчи қисми учинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги 11-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги юридик шахсни мажбурий тугатишни самарали ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган;

тўловга қобилиятсизликни яшириш — юридик ва жисмоний шахс, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилганлиги, бухгалтерлик ҳисоботлари бузиб кўрсатилганлиги ёки ўзининг тўловга қобилиятсизлиги бошқача тарзда қасддан яширилганлиги натижасида кредиторларга зарар етказиш эканлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг 2022 йил 29 апрелдаги 04/1-11/567-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги юридик шахс томонидан тўловга қобилиятсизликни яшириш, унинг шакллари аниқ белгилашга хизмат қилган;

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектини ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон кредиторларни хабардор қилиш зарурлиги сабабли рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши шартлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 декабрда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–592-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 55-моддасининг биринчи қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги 11-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги юридик шахсни тугатишда рақамли технологияларни қўллаш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги эълонда унинг кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари кўрсатилиши кераклиги ҳамда ушбу муддат тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги кераклиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 декабрда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–592-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 55-моддасининг иккинчи қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 18 августдаги 11-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги юридик шахсни тугатишда кредитор манфаатларини таъминлашга хизмат қилган;

қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган тадбиркорлик субъектларини – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш уларга қулайлик яратиш мақсадида қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар жойлашган жойдаги рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан амалга оширилиши ҳақидаги оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 12-18-7-сон далолатномаси). Ушбу таклиф қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни ҳал этишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 12 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, 9 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Халқаро хусусий ҳуқуқ субъектлари тизимида юридик шахслар: қайта ташкил этиш ва тугатилишига умумий тавсиф**» деб номланиб, унда халқаро хусусий ҳуқуқда (кейинги ўринларда – ХХХ) юридик шахсларнинг миллатини аниқлашга доир асосий доктриналар ёндашувлар, юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишга оид муносабатларнинг чет эл элементи билан мураккаблашиши, халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солишга янги доктриналар қарашлар каби масалалар таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларнинг миллатини аниқлашга доир асосий доктриналар ёндашувларнинг асосий мазмуни ҳуқуқий нормаларни мавжуд қоидалар, умумтанолинган ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ нормаси мазмунини илмий жиҳатдан асосланган ва тўғри

тушунишга имкон беришида ифодаланади. Шу боисдан доктриналар одатда илмий қарашлар, ёндашувлар, масаланинг тўғри ва мақбул ечимига доир муайян қоидаларни шакллантиришда намоён бўлади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларнинг миллатини аниқлашга доир асосий илмий қарашларни (С.Самархўжаев, М.К.Сулейменов, Б.Самархўжаев, Р.Т.Юсифова, Н.Н.Вознесенская, Л.П.Ануфриева ва бошқ.) таҳлил қилган ҳолда, қонун ҳужжатларида юридик шахс миллатини аниқлаш ва унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ борасида муайян тизимга эга бўлган қоидалар етарли эмас. Халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши унинг мазмунида айнан қандай қоидалар белгиланиши билан боғлиқлигини қайд этади.

Тадқиқотчининг фикрича, юридик шахс миллатини аниқлашга доир доктриналар муайян мезон асосида мавжуд бўлади. Бунда ҳар бир мезон олдига қўйилган мақсад асосида доктрина мазмунига қоида сингдирилади. Масалан, юридик шахс миллатини аниқлашдан мақсад судловга тегишлилик масаласини ҳал қилиш қўйилганда инкорпорация доктринасини, солиққа тортиш мақсадида эса, фаолият кўрсатиш жойи принципини (АҚШ тажрибаси)ни қўллаш мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожланмасдан туриб ХХХда юридик шахснинг миллатини аниқлашга доир муаммо кенгаймайди. Фақат инвестицияларнинг фаоллашуви, иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши юридик шахс миллатини аниқлашни кун тартибига қўяди. Бунда ХХХда мавжуд доктриналарни қўлланилиши, ҳар бир муайян муаммо нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши зарур.

Тадқиқотлар асосида халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларнинг миллатини аниқлашга доир қуйидаги асосий доктриналар ажратиб кўрсатилган: инкорпорация мезони; ўтроқлик мезони (*siege sociale*); назорат мезони (домицилия қонуни ёки юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг) фуқаролиги); асосий тижорат (ишлаб чиқариш) фаолиятини амалга ошириш жойи мезони.

Диссертант халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларнинг миллатини аниқлашга доир асосий доктриналар муайян мезон асосида шакллантирилган, деган хулосага келган. Бунга бевосита иқтисодий ҳамкорлик, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойи, мақсади, муайян мамлакат қонунчилигини татбиқ этиш имконияти каби омиллар ўз таъсирини кўрсатган. Ҳар бир доктрина ўзига хосликка эга бўлиб, юридик шахсларнинг миллатини аниқлаш орқали муносабатни ҳуқуқий тартибга солишга имкон беради.

Тадқиқотчининг фикрича, юридик шахс миллатини аниқлаш бўйича қўлланиладиган ҳар бир мезон ўзининг афзалликлари, ютуқлари ва камчиликларига эга. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги чет эллик юридик шахслар учун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бир хил имкониятларни назарда тутди.

Диссертантнинг қайд этишича, юридик шахс фаолиятини тартибга солувчи қонунни татбиқ этишда *субсидиар боғловчиларни* қўллаш мумкин. Натижада қонун чиқарувчи юридик шахснинг жойлашган жойи мезонига

факультатив мезонни қўллайди. Бунда юридик шахс фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик барқарор бўлиши ва амалда ишлайдиган нормалардан ташкил топиши муҳим.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1175-моддасида юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг қонуни ҳисобланиши билан бир қаторда, агар юридик шахснинг бошқарув органи ёки унинг асосий фаолияти ҳудуди Ўзбекистон Республикасида бўлса, Ўзбекистон қонунчилиги қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилиши зарур.

Диссертант юридик шахснинг моҳияти билан боғлиқ фикция (сохта субъект) назарияси, жамоа (коллектив) назарияси, директор назарияси, ижтимоий воқеилик назарияси кабиларни тадқиқ қилган ҳолда, юридик шахс ҳуқуқ субъектлигини айнан муайян давлатнинг қонунчилиги асосида қўлга киритади ва ушбу ҳуқуқни йўқотади, деган хулосани илгари суради. Бунда, юридик шахс бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтганда (гарчи бу ўзгаришлар фақат жойлашган жойига тааллуқли бўлса-да) ҳуқуқ лаёқатининг ўзгаришига ва ҳаттоки бекор бўлишига ҳам дуч келиши мумкин. Бу эса, табиийки бир қатор манфаатдор шахслар, хусусан кредиторлар, учинчи шахслар, контрагентларнинг ҳуқуқларига дахл қилади.

Тадқиқотчининг қайд этишича, яқин вақтларга қадар Ўзбекистон Республикасида чет эл иштирокидаги юридик шахсларга доир қонунчилик муайян даражада тарқоқ ҳолда мавжуд бўлган. Бироқ, 2019 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши бу борадаги тарқоқликни бартараф этди. Шунга қарамасдан, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда юридик шахслар иштирокига доир муайян ҳуқуқий механизмлар, чет эл элементи билан мураккаблашган юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишга оид муносабатлар очиқлигича қолмоқда.

Диссертантнинг таклиф қилишича, юридик шахсни қайта ташкил этишни давлат рўйхатидан ўтказиш қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган тадбиркорлик субъектларини – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун алоҳида тартибот мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунда ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилганда – қайта ташкил этилаётган тадбиркорлик субъекти – юридик шахсга нисбатан унинг таъсис ҳужжатлари билан боғлиқ бўлган қайта рўйхатдан ўтказиш, ажратиб чиқарилаётган тадбиркорлик субъекти – юридик шахсга нисбатан эса – янгидан тузилган тадбиркорлик субъектини – юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилади.

Қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилганда – қўшиб олиш амалга оширилаётган тадбиркорлик субъектининг – юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан боғлиқ бўлган қайта рўйхатдан ўтказиш Реестрга қўшиб олинган юридик шахс фаолиятини тугатиш тўғрисида ёзув киритиш билан амалга оширилади.

Диссертацияда юридик шахсларни қайта ташкил қилишда криптоактивларнинг ноёб хусусиятлари уни эгаси саналган корхоналарни

тугатиш ва қайта ташкил этишда кўплаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган. Бу муаммолар қаторида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

қарздорлар активларини кредиторлардан ҳимоя қилиш учун криптохолдинглардан фойдаланиш юқори таваккалчилиги;

тугатиш ёки қайта ташкил этиш натижасида юзага келадиган баҳолаш муаммолари;

манфаатдор томонлар криптовалюта гарови қийматининг ўзгаришидан фойдаланиш учун банкротликдан оппортунистик тарзда фойдаланиши мумкинлиги;

судларнинг анъанавий юрисдикция доираларига зид бўлган рақамли активлар бўйича мажбурий қарорлар чиқариш ваколатига оид масалалар ва бошқалар.

Мазкур муаммоларнинг ечими сифатида диссертант томонидан ўз балансида криптоактивлари бўлган юридик шахсларни тугатиш ва қайта ташкил этиш билан боғлиқ хусусий-ҳуқуқий муносабатларда татбиқ этиладиган давлат ҳуқуқи, коллизия нормалар, ҳуқуқий принциплар, қарздорликни ундириш мақсадида криптоактивлар учун *in rem* юрисдикция қоидаларини жорий қилиш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотчининг фикрича, Ўзбекистон ҳуқуқий тизими криптоактивлар билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал муаммоларни эътиборсиз қолдирса, бошқа юрисдикциялар бу бўшлиққа кириб, криптоактивлар билан ишлашда асосий модел сифатида ўзини кўрсатиши мумкинлиги асослаб берилди. Бунинг натижасида ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин, деган хулоса илгари сурилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари**» деб номланиб, унда халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг тартибга солинишини ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистонда чет эл юридик шахсларини қайта ташкил этишни коллизия-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасини унификациялаш масалалари таҳлил қилинган.

Юридик адабиётларда (Ф.Кутлымуратов, М.Камалов, Н.Имомов) юридик шахсни қайта ташкил этишда кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шакллари юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига нисбатан татбиқ этилган ҳолда ўрганилган.

Диссертантнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этишни тартибга солишда давлат назоратининг мавжудлиги хусусий шахслар манфаатига зид келмаслиги, бу борада мувозанатни сақлаш, хусусий ишларга аралаштиришга йўл қўймаслик, рақобатга, монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши алоҳида илмий-ҳуқуқий таҳлилни тақозо этади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда юридик шахсни қайта ташкил этиш масаласи юридик шахснинг шахсий қонунига бевосита боғлиқ. Юридик шахснинг шахсий қонунини аниқлаш масаласи камдан кам ҳолларда мустақил муаммо сифатида кўрилади. Аксарият ҳолларда юридик шахснинг шахсий қонунини аниқлаш зарурати уни қайта ташкил этиш ёки тугатишга доир масалани ҳал қилишда ҳам асосий роль ўйнайди.

Диссертацияда халқаро хусусий ҳуқуқда корпоратив юридик шахс – акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими танқидий таҳлили натижасида акциядорларнинг ҳуқуқларини арбитраж ва онлайн ҳимоя қилиш тизимини концептуал белгилари асослаб берилган.

Рақамли технологиялар ва интернет тармоғининг ривожланиш тенденциялари асосида халқаро хусусий ҳуқуқда акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқларини арбитраж ва рақамли арбитраж орқали ҳимоя қилишнинг янги ёндашувини жорий қилиш зарур деган хулоса илгари сурилган.

Тадқиқотчи ахборот коммуникацион технологияларининг шиддат билан ривожланиши натижасида халқаро хусусий ҳуқуқда акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнига таъсири ҳуқуқий баҳоланиб, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда сунъий интеллектдан фойдаланиш низони судгача ва ҳуқуқшунослар иштирокисиз самарали ҳал қилишга имкон беради, деган ғояни асослашга ҳаракат қилган.

Диссертация доирасида корпоратив низоларни ҳал қилишда сунъий интеллектдан фойдаланиш юридик фактларни белгилаш, турли давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциялашуви натижасида ахборотларни тезкор олиш, тақдим қилиш, жараён иштирокчилари томонидан ахборотларни олишга бўлган ҳуқуқларининг таъминланишига, корпорациядаги иқтисодий ҳолат (даромадлар, зарарлар, тўловга қобилиятсизлик аломатлари ва ҳ.к.), фаолият кўрсаткичларини аниқлаш, кредиторлар ҳуқуқлари ва манфаатларига самарали таъсир кўрсатиши асослаб берилган.

Бундан ташқари, диссертант **Ўзбекистон Республикасининг Корпоратив бошқарув кодексини** ишлаб чиқиш зарурлигини асослантириб, унга алоҳида боби сифатида акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида акциядорлар ҳуқуқларини онлайн ҳимоя қилиш, сунъий интеллект воситасида ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни киритишни таклиф қилган.

Тадқиқотчи юридик шахснинг ҳуқуқ субъектлиги, унинг ҳуқуқий муносабатларга таъсири, жавобгарликни қўллашга доир қоидаларни қўллаш имкониятини бериш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган юридик шахслар ҳақидаги ахборотни очиқ, онлайн ахборот олиш имкониятининг яратишга қаратилган чет эл элементи билан мураккаблашган юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишда ягона халқаро онлайн платформа ишлаб чиқиш зарурлигини асослаб берган.

Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий конструкцияси яратилган ҳамда халқаро

хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш шакллари сифатида – кўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш юридик шахс фаолиятига таъсир кўрсатувчи ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган юридик факт сифатида намоён бўлиши ҳақида ғоя ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, Фуқаролик кодексида юридик шахсни қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш)га доир биқик ва тор доирадаги ёндашув юридик шахсни қайта ташкил этишга доир тор маънодаги тушунчаларнинг шаклланишига сабаб бўлган. Юридик шахсни кўшиб юбориш, кўшиб олиш каби қайта ташкил этиш шакллари хуқуқни қўллаш амалиётида қўллаш мураккаблигича қолиб кетган.

Фуқаролик кодексида юридик шахсни қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш)га доир ҳуқуқий қоидаларнинг тарқоқ ҳолда турли қонун ҳужжатларига сочилиб кетиши мазкур шаклларнинг етарли даражада ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилмаганлиги, бу борадаги янги ёндашувнинг етишмаслиги билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқотда қайд этилишича, Европа Иттифоқида кўшиб юбориш жараёнида кредиторларнинг, акциядорлар ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати турлича ҳал қилинган. АҚШ қонунчилиги эса, кредитор ҳуқуқлари устунлигини тан олган ҳолда бу борада тегишли қоидаларни белгилайди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда бухгалтерия ва аудитнинг халқаро стандартлари жорий этилмоқда. Халқаро аудит стандартлари бўйича кредиторларни бутун дунё бўйича излаш ёки халқаро эълон бериш керак бўлади. Шу боис, юртимизда халқаро аудит стандартининг жорий этилиши қайсидир манфаатдор тарафнинг хоҳиши билангина эмас, балки тизимли равишда бутун дунёда тан олинган ҳуқуқий нормалар, стандартларнинг жорий этилишининг афзаллиги, қулайлиги, шаффофлиги ва самарали бўлиши нуқтаи назаридан келиб чиқилиши лозим.

Халқаро аудит стандарти (International Standards on Auditing) аввало буюртмачи билан шартномавий муносабатга киришган ҳолда фаолиятининг натижаси сифатида унга ҳисобот тақдим этади. Бу ўринда буюртмачи сифатида юридик шахс, унинг муассислари, кредиторлари ёки солиқ идоралари ҳам иштирок этиши мумкин. Бу ўринда юридик шахсни қайта ташкил этиш ёки тугатиш юридик шахснинг қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Тадқиқотчининг фикрича, миллий қонунчилигимизга юридик шахсни қайта ташкил этишга оид тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш зарур.

**Биринчидан**, немис ва француз қонунчилигидан келиб чиқиб, қайта ташкил этишда иштирок этадиган ташкилот қайта ташкил этишга доир барча шартларни тайёрлаши ва шундан сўнг кўшиб юбориш ёки кўшиб олиш борасида келишув тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг бозор қийматини аниқлаш мақсадида мулкӣ комплекс сифатида юридик шахснинг ўзи, ушбу юридик шахснинг акциялари, мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан**, қўшиб юборилаётган юридик шахснинг барча кредиторлари билан музокаралар олиб бориши лозим.

**Тўртинчидан**, асосий кредиторлар билан музокара амалга оширилгандан сўнг қайта ташкил этишнинг мақсадлари ҳамда шартнома мажбуриятларининг бажарилишига кўрсатиши мумкин бўлгани таъсири ҳақида маълумотлар тақдим этилиши зарур.

Диссертациянинг учинчи боби «**Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни тугатишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш**» деб номланиб, унда халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни тугатишнинг ҳуқуқий тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистонда чет эл юридик шахсларини тугатишни коллизон-ҳуқуқий тартибга солинишни такомиллаштириш масалалари, юридик шахсларни трансчегаравий банкротлигини ҳуқуқий тартибга солиниши каби масалалар таҳлиliga бағишланган.

Моддий ҳуқуқда белгиланган қоидалар юридик шахсни тугатиш ва қайта ташкил этишни назарда тутди. Улардан қайси бирини танлаш эса харажат ва даромадларни иқтисодий-ҳуқуқий таҳлили асосида амалга оширилади.

Муаллиф томонидан қуйидаги қоидаларга риоя қилиш таклиф қилинади: биринчидан, агар юридик шахсни тугатиш уни қайта ташкил этишдан арзон бўлса, у ҳолда корпорация учун қайта ташкил этиш танланиши керак. Иккинчидан, гарчи қайта ташкил этишдаги музокаралар кўп вақт ва ресурс талаб қилса-да, капитал бозори ривожланмаганлиги сабабли юридик шахсни тугатиш қиймати арзон бўлади ва қайта ташкил этиш фойдали бўлади. Учинчидан, юридик шахсни қайта ташкил этишдан келиб чиқадиган молиявий инновациялар ва таваккалчилик хавф-хатарининг тақсимланиши компания тарафларининг манфаатдорлигини оширади.

Диссертант томонидан тадқиқот ишида юридик шахснинг тўловга қобилиятсизлиги жараёни ва қайта ташкил этиш механизми ҳуқуқий таҳлил қилиниб, қонуннинг мақсади компаниянинг юқори қийматда бўлиши ва даъвогар (кредитор)ларнинг устувор талабларига мувофиқ равишда тақсимланиши лозимлиги назарда тутилган бўлишлиги асослаб берилган.

Диссертант корпоратив бошқарув бўйича кенг қамровли назарий адабиётларда (White, Michelle J., La Porta, Rafael, Florencio Lopez-de-Silanes, Östgren Kalle, Lindgren, Martin, Berkovitch, Elazar, and Ronen Israel, Bariatti, Stefania, and Robert van Galen) банкротлик бўйича иш юритиш жараёнида кредиторларнинг рағбатлантириш механизмлари бўйича берилган ғояларни, кўпгина тадқиқотларда (Scott, Jonathan A., and Terrence C. Smith, Araujo, Aloisio P., Rafael Ferreira, Hackbarth, Dirk, Ranier Haselmann) бир вақтнинг ўзида қайта ташкил этиш ва тугатишдаги ўзгаришлар ҳақидаги қарашларни тадқиқ қилган ҳолда, корпоратив тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик асосида **ex post** принципи ётиши лозимлигини асослантириб берган. Бунда мазкур принцип тўловга қобилиятсизлик амалга оширилаётган давлатда кредиторлар учун энг максимал қиймат бўлиши таъминланади.

Тадқиқотчининг фикрича, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича тарафларга қўлланиладиган ҳуқуқни танлашда

тарафларнинг эрк-иродаси асосий аҳамият касб этади. Бунда нафақат мамлакат судини, балки мамлакат ҳуқуқини танлаш имконияти ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тарафлар зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ бўйича ҳаракатни амалга оширгунгача ёки зарарни қоплаш тўғрисида талаб учун асос бўладиган бошқа ҳолат юз беришидан олдин шартнома тузиши мақсадга мувофиқ.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш жараёнида кредиторлар назоратининг эмпирик таъсирини тўлиқ тавсифлаш учун унинг тўловга лаёқатсиз фирмаларга *ex-post* таъсирини ҳам, тўловга лаёқатли фирмаларга қўлланиладиган таъсирини ҳам тушуниш лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, юридик шахсни қайта ташкил этиш жараёнида кредиторлар назоратини кучайтиришга қараганда, тугатиш пайтидаги кредиторлар назоратини кучайтириш бошқа-бошқа оқибатларга олиб келиши мумкин. Юридик шахсни қайта ташкил этиш вақтида кредиторларнинг назорат қилиш ҳуқуқларининг таъсири уларнинг тугатиш пайтидаги назорат ҳуқуқларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертант томонидан трансчегаравий банкротликка (банкротлик бўйича очилган ишларда қарздорнинг икки ёки ундан ортиқ давлатда жойлашган мол-мулкни бошқариш ва яҳлитлаш билан боғлиқ ва бошқа масалаларга) нисбатан амалий жиҳатдан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашда турли давлатлар миллий қонунчилигида жиддий фарқлар мавжудлиги, амалиётда мазкур соҳадаги ишларни кўриш билан боғлиқ жиддий қийинчиликларни вужудга келтираётганлиги асослаб берилган. Хорижий мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Европа Иттифоқидаги мамлакатларда трансчегаравий банкротликни ҳуқуқий тартибга солиш фаолияти юқори даражада ташкил этилган ва маълум даражада унинг норматив-ҳуқуқий базаси яратилган.

Мазкур ижобий халқаро тажриба асосида тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига қуйидаги таҳрирдаги тушунчани киритишни таклиф қилади: *“Трансчегаравий тўловга қобилиятсизлик – кредитор ва қарздор ўртасида ушбу Қонунда белгиланган тартибда қарздорни ўз мажбуриятларини бажаришга оид муносабатлари, шу жумладан қарздорнинг мол-мулки чет элда жойлашганлиги, кредитор чет эл фуқароси ёки юридик шахси эканлиги ёки кредиторнинг талабига асосан чет эл ҳуқуқини қўллашни назарда тутувчи чет эл элементи билан мураккаблашган жараён”*.

## ХУЛОСА

«Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» мавзусида ўтказилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва амалий хулосалар ишлаб чиқилди:

### I. Илмий-назарий хулосалар

1. Ўзбекистон Республикасининг **Корпоратив бошқарув кодексини** ишлаб чиқиш зарурлиги асослангирилиб, унга алоҳида боби сифатида акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида акциядорлар ҳуқуқларини онлайн ҳимоя қилиш, сунъий интеллект воситасида ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни киритиш зарурлиги асослаб берилган.

2. Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларнинг миллатини аниқлашга доир асосий доктриналар сифатида инкорпорация, ўтроқлик мезони (*siege sociale*), назорат мезони (домицилия қонуни ёки юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг) фуқаролиги), асосий тижорат (ишлаб чиқариш) фаолиятини амалга ошириш жойи доктринасининг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил қилинган ҳолда, Ўзбекистон шароитида корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб уларни қўллаш зарур деган хулосага келинган.

3. Юридик шахснинг ҳуқуқ субъектлиги, унинг ҳуқуқий муносабатларга таъсири, жавобгарликни қўллашга доир қоидаларни қўллаш имкониятини бериш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган юридик шахслар ҳақидаги ахборотни очиқ, онлайн ахборот олиш имкониятининг яратишга қаратилган чет эл элементи билан мураккаблашган юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишда **ягона халқаро онлайн платформа** ишлаб чиқиш зарурлиги асослаб берилди.

4. Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш шакллари сифатида – қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиш юридик шахс фаолиятига таъсир кўрсатувчи ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган **юридик факт сифатида намоён бўлиши ҳақида ғоя ишлаб чиқилди;**

5. Пандемия шароитида рақамли технологияларнинг шиддат билан ривожланиши халқаро хусусий ҳуқуқда акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнига кўрсатган таъсири ҳуқуқий баҳоланиб, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда **сунъий интеллектдан фойдаланиш низони судгача ва ҳуқуқшунослар иштирокисиз самарали хал қилишга имкон бериши ҳақидаги таклифи** асослаб берилди.

6. Рақамли технологиялар ва интернет тармоғининг ривожланиш тенденциялари асосида халқаро хусусий ҳуқуқда акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқларини **арбитраж ва рақамли арбитраж орқали ҳимоя қилишнинг янги ёндашувини жорий қилиш зарурлиги асослаб берилди.**

7. Халқаро хусусий ҳуқуқда корпоратив юридик шахс – акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида акциядорларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими танқидий таҳлили натижасида **акциядорларнинг ҳуқуқларини арбитраж ва онлайн ҳимоя қилиш тизимини концептуал белгилари асослаб берилди.**

